

Date: 7th February-2026

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

Номонова Сарвиноз Авазжон қизи
Қўқон Университети



Аввало инклюзив таълим сўзининг маъноси ва тушунчаси ҳақида маълумот берадиган бўлсак. Инклюзив таълим – бу барча болалар, жумладан . ногиронлиги ёки махсус эҳтиёжлари бўлган тарбияланувчилар ҳамда ўқувчиларнинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий имкониятларидан қатъий назар , тенг ҳуқуқлилиқ асосида умумий таълим ташкилотларида биргаликда таълим олишини таъминловчи тизимдир. Бу мослашувчан жараён бўлиб, таълимни болага мослаштириш орқали ижтимоий мослашувни кўзда тутди.

Инклюзив таълимнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Ҳамма учун тенглик: Жисмоний , ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар тенгдошлари билан бир гуруҳ ёки синфда таълим-тарбия оладилар.
- Индивидуал ёндашув: Таълим жараёни тарбияланувчи ёки ўқувчининг алоҳида таълим эҳтиёжларига мослаштирилади.
- Ижтимоий мослашув: Мақсад – болаларни жамиятдан ажратмаган ҳолда , уларнинг ижтимоий ҳаётга мислалашувини таъминлаш.
- Тўсиқсиз муҳит: Имкониятлари чекланган, маъсус ёрдамга муҳтож болалар учун мослашувчан ва қулай таълим ўқуви муҳитини яратиш.

Инклюзив таълим фақат жисмоний имконияти чекланганларни эмас, балки таълимда у ёки бу даражадақийинчиликлари бўлган барча болаларни қамраб олади.

Инклюзив таълимда бугунги кунда “ Барча болалар тенг шароитда таълим оладилар” шиори остида иш олиб борилмоқда. Республикамиз Президентининг 2019-йил. 29-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида халқ таълими тизимида инклюзив таълим дастурлари ератли даражада ривожланмагани, мамлакатимиз олий таълим муассасалари дастурларида педагог тарбиячи ва ўқитувчиларнинг инклюзив таълим бўйича махсус тайёргарлигини таъминлашдаги муаммолар санаб ўтилган. Имконияти чекланган болалар, яъни 3-7 ёшдаги тарбияланувчиларга мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия бериш ва 7-17 ёшли ўқувчиларни умумтаълим мактабларида ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш орқали мазкур муаммоларни ҳал қилиш, имконияти чекланган болалар жалб этилган махсус мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда имконияти чекланган болалар ўқийдиган мактабларни ҳам махсус мосламалар (кўтаришқурилмаси. Пандус, тутқич ва бошқалар), шунингдек тегишли кадрлар (педагог дефектолог-логопедлар, болаларни руҳий ҳолатини кузатиш бўйича психолог мутахассис)лар билан таъминлаш, жамоатчилик ўртасида имконияти чекланган болаларнинг намунали таълим-тарбия, билим олиш ҳуқуқи, инклюзив йўналишда таълим-тарбия бериш ва ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида

Date: 7th February-2026

тушунтиришишларини олиб бориш халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устивор йўналиши қилиб белгиланган.

2020-йил, 23-сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунда инклюзив таълим – таълим шаклларида бири сифатида эътироф этилиб, , жисмоний., ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар , шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида , умумий ўрта ва махсус ўрта таълим ўқув даргоҳларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка таълим олиш ҳуқуқлари кафолатланган.

2020-йил, 13-октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори билан 2025 йилгача инклюзив умумтаълимни босқичма-босқич жорий этиш, бунда имконияти челанган болаларнинг боғчаларга қатнаши ва мактабларга келишлари учун тўсиксиз муҳит яратиш, янги қуриладиган махсус мактабгача таълим ташкилотлари ёки оддий мактабгача таълим ташкилотларида имконияти челанган болалар учун очиладиган алоҳида гуруҳлар, шу билан бирга мактабларни имконияти чекланганлар учун қулай шароитлар билан қуриш, педагог кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия ва ўқув базасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини махсу4с қўлланмалар, адабиётлар билан таъминлаш борасида зарур вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек. ушбу қарор билан алоҳида таълим эҳтиёдлари бўлган болаларга таълим бериш, ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, уларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш ва таъминлаш мақсадида “2020-2025 йилларда мактабгача ва мактаб таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. Инклюзив таълим тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш , алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни камситиш, уларга нисбатан шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишнинг олдини олишга қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, таълим муассасаларига инклюзив таълимга жалб этилган тарбияланувчилар ва ўқувчилар учун маъсус жиҳозланган хонлар интерактив доска, эшитиш мосламалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш Концепциянинг устиқор вазифалари этиб белгиланди.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан 2021-йилнинг 12-октябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 638-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан “Умумий ўрта таълим ташкилотларида инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ушбу низомга кўра инклюзив таълим – алоҳида таълим эҳтиёдлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун умумий таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлаган ҳолда бериладиган таълим ҳисобланади.



Date: 7th February-2026

Инклюзив таълимнинг мақсади ва вазифалари инклюзив таълим гуруҳлари, синфлари ва бошланғич таянч коррекцион синфларда таълим, ўқув-таълим жараёнини ташкил этиш, тарбияланувчи ва ўқувчиларни мазкур гуруҳ ва синфларга қабул қилиш ,педагог-тарбиячи ва педагог-ўқитувчилар фаолияти ва ота-онлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади.

Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларидаги махсус гуруҳлар ёки махсус мактабгача таълим ташкилотларига ривожланишда нуқсони бор болалар 3 ёшга тўлгандан сўнггина, мактабнинг инклюзив таълим синфлари ва бошланғич таянч-коррекцион синфларнинг биринчи синфига улар 7 ёшга тўладиган йилда қабул қилинади. Тарбияланувчи ва ўқувчиларни мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга қаул қилиш ҳамда чиқариш ҳудудий Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳузурида ташкил этилган Психологик –тиббий-педагогик комиссия ҳулосасига кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, таълим соҳасини, хусусан, инклюзив таълимга оид қонунчиликни такомиллаштириш, бу борада босқичма-босқич ислохотларнинг олиб борилишимамлакатимизда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган имконияти чекланган болаларга соғлом болалар билан бир хил шароитда таълим-тарбия олишларида тенг ҳуқуқ ва имконият яратади. Айниқса 3-7 ёшли имконияти чекланган болалар билан мактабгача таълим ташкилотларида яхшироқ, режа асосида , қунт билан шуғуллансак уларнинг катта қисми соғломлашиб кетишлари ҳолатларига мисоллар кўп.

